



**ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАСHTIRISH METROLOGIYA VA
SERTIFIKATLASHHTIRISH AGENTLIGI
QARORI**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 июндаги 345-сон қарори билан тасдиқланган, “Алкоголсиз ичимликларнинг хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент кучга кириши билан ушбу техник регламент талабларига риоя этилиши таъминладиган стандартлаштиришга доир, ҳамда махсулотларнинг намуналарини олиш, синов ва ўлчов усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

“Алкоголсиз ичимликларнинг хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент (кейинги ўринларда – техник регламент) кучга киритилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунининг 8 ва 22-моддаларига мувофиқ, “Ўзстандарт” агентлиги, **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

2021 йилнинг 1 декабрдан мазкур техник регламент талабларига риоя этилиши таъминладиган стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

мазкур техник регламент билан тартибга солинувчи махсулотларнинг намуналарини олиш, синов ва ўлчов усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. СДНМБ (Р.Хуснуллин) ва Стандартлар институти (А.Хамдамов) мазкур техник регламент билан тартибга солинадиган махсулотларга янги стандартлар (барча тоифадаги) қабул қилиниши тўғрисидаги маълумотларни ҳар ой якуни билан Техник жиҳатдан тартибга солиш бошқармасига киритиб борсин.

3. ТЖТС бошқармаси (Д.Ходжикариев) тақдим этилган янги стандартларни белгиланган тартибда ушбу қарорнинг 1-илоvasи билан тасдиқланган, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар рўйхатига киритиб борсин.

4. АКТЖҚваРБ (Ф.Усманов) ва ТЖТСБ (Д.Ходжикариев) мазкур қарор билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар рўйхатлари “Ўзстандарт” агентлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

5. СЛМРБ (Ш.Иногамов) ва “UzTest” ДУК (А.Мустафаев) мазкур қарор билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар бўйича сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораторияларининг аккредитация доирасини кенгайтириш чораларини кўрсин.

6. Ташкилий-назорат ва ижро интизоми бўлими (З.Гафуров) “Ўзстандарт” агентлиги тегишли тизим ташкилотларини мазкур қарор билан 2 кунлик муддатда таништирсин.

7. Ушбу қарор ижроси устидан назорат Бош директорнинг биринчи ўринбосари Д.Каттаходжаев зиммасига юклатилсин.

Бош директор



Д. Саттаров

**“Ўзстандарт” агентлигининг
“23” октябр 2020 йилдаги
ТР-17 – сонли қарорига
1-илова**

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2021 йилнинг 1 декабрдан
“Алкоголсиз ичимликларнинг хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент
талабларига риоя этилиши таъминланадиган стандартлаштиришга доир норматив
ҳужжатлар рўйхати**

Т/р	Норматив ҳужжат шартли белгиланиши	Норматив ҳужжатнинг номланиши
1.	ГОСТ 28188-2014	Алкоголсиз ичимликлар. Умумий техникавий шартлар
2.	ГОСТ 31494-2012	Кваслар. Умумий техник шартлар
3.	ГОСТ 32105-2013	Консервалар. Шарбатли маҳсулотлар. Мева шарбатлари ва мева-сабзавотли ичимликлар. Умумий техник шартлар
4.	ГОСТ 32100-2013	Консервалар. Шарбатли маҳсулотлар. Шарбатлар, нектарлар ва шарбатлар сабзавот ва мевали шарбатлар. Умумий техник шартлар
5.	ГОСТ 31711-2012	Пиво. Умумий техник шартлар
6.	ГОСТ Р 52844-2007	Алкоголсиз тоникли ичимликлар. Умумий техник шартлар
7.	ГОСТ 28188-2014	Алкоголсиз ичимликлар. Умумий техник шартлар
8.	ГОСТ 31711-2012	Пиво. Умумий техник шартлар
9.	ГОСТ 28499-2014	Сироблар. Умумий техник шартлар
10.	O'z DSt 925: 2019	Алкоголсиз ичимликлар. Техник шартлар